

ЧОРВА ХАЙВОНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ

Чорва ҳайвонлари орасида турли хил юқумли, юқумсиз ва бошқа касалликларнинг пайдо бўлиши оқибатида маҳсулот миқдори ва сифати камайиши туфайли жиддий зарар келтириши билан бир қаторда инсон соғлиғига ҳам хавф туғилади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик касалликларига қарши кураш ва унинг олдини олиш чорва маҳсулдорлиги ва сифатини оширишининг асосий мезони ҳисобланади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида куйидагиларга эътибор бериш зарур:

1. Барча жамоа, фермер-деҳқон хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, аҳоли қўл остидаги чорва молларини юқумли касалликларига (бруцеллёз, туберкулёз, лейкоз) қарши тўлиқ текшириш ва уларда тайёрланадиган чорвачилик маҳсулотларидан фойдаланишни ветеринария-санитария қоидалари асосида ташкил қилиш. Айниқса, туберкулёз касаллигига қарши диагностик текширишларни режали равишда олиб бориш, касаллик бўйича носоглом хўжаликларни ўз вақтида тез ва сифатли соғломлаштиришни энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб ҳисоблаб, тегишли чоратадбирларни амалга ошириш керак.

2. Турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ветеринария қонуни талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш лозим.

3. Айрим зооноз касалликлар (кутуриш, эхинококкоз) кенг тарқалиш хавфли бор касалликларга қарши кураш чоратадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, итларни эмлаш ишлари кечиктирмасдан утказиш. Шунинг қайд қилиш керакки, бу касалликларга қарши қўлланиладиган эмлалар институтда ишлаб чиқарилади. Ветеринария препаратлари - биологик препаратлар (вакцина, иммун зардоб, диагностика умлар) антибиотик, антигельминтиклар, дезинфекция воситалари ва бошқа доридармонларга бўлган эҳтиёжнинг аниқлаб, уларнинг таъминотини ҳал қилиш зарур.

4. Ветеринария ташкилотлари — вилоят ветеринария бошқармаси ва Давлат ветеринария назорати, туманлар ветеринария бўлимлари, ветеринария участкалари, вилоят, туман ветеринария лабораториялари фаолиятини кучайтириш, касалликларга қарши кураш, эпизоотияларга қарши режаларни ҳозирги давр талаби асосида қайта қўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар қилиш, барча ветеринария тадбирларини фан

ютуклари ва илғор тажрибалар асосида ташкил қилиш керак.

5. Оддий дориворлар, даволовчи озиқа гранул алари ҳамда озиқага қўшимча (витамин, макро-микро-элементлар) ва аралашмалар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, цехлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

6. Ветеринария пунктлари, даволаш ва диагностик марказлар кенг тармоғини ташкил этиб, уларни шундай жойлаштириш керакки, уларнинг барчаси катта-кичик шаҳарлар, туман марказлари, кўрғон ва



қишлоқлар, чўл ва тоғ олди далаларда боқилаётган чорва ҳайвонлари ва паррандаларига ветеринария хизмати кўрсатилишини тўлиқ қамраб олган бўлиши шарт.

7. Чорвачиликнинг келажаги соғлом ва сермахсул бузоқ олишга боғлиқлигини ҳисобга олиб, бу ишни тўғри ташкил қилиш, бузоқ касалликлари олдини олиш ва ўз вақтида даволашга эътиборни кучайтириш зарур.

8. Ветеринария илмий-тадқиқот институти (ВИТИ)да ишлаб чиқариладиган дори-дармонлардан вилоят ветеринария хизматида кенг фойдаланиш, барча ветеринария чоратадбирларини ўтказишда илмфан ютуқларидан, мутахассис-олимлар тавсияларидан самарали фойдаланиш, фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини мустақамлаш лозим.

9. Амалиётга илмий ечимларни татбиқ этишни янада яхшилаш, СОРЛОМ пода яратишда тарғибот ишларини кучайтириш мақсадда, вилоятлараро илмий-амалий ўқиш ва семинарларни ташкил этиш.

10. Чорвачилик фермаларида ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилиш, биноларда санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган (ҳарорат, намлик, заҳарли газлар) шароит яратиш борасида ташкилий ишларни амалга ошириш керак.

Чорва ҳайвонлари касалликлари олдини олиш ва даволашда ветеринария мутахассислари куйидагиларга эътибор беришлари талаб этилади:

- бўғоз сигир ва қўйлар колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёз касалликларига қарши туғишга 1,5—2 ой қолганда тегишли вакциналар билан йўриқномага асосан 3 мл дан қўйлар, 5 мл дан қорамоллар (14 кун оралиғи билан такроран) тери остига эмлаш;

- хавфли браздот ва энтеротоксемия касалликлари олдини олиш учун қўйларни 1 мл дан мускул орасига вакцина билан эмлаш;

- кутуриш касаллигига қарши итларни суюқ фаолсизлантилган вакцина билан 3 мл дан мускул орасига эмлаш;

- молхона, қўйхона, чўчкахона ва паррандалар турадиган жойларни эктопаразитларга (бит, бурга, кана) қарши инсектоакарицид препаратлар (жумладан, маҳаллий Циперметриннинг 0,015—0,02 фоизли эритмаси) билан дезинсекция ва дератизация қилиш, улар билан зарарланган чорва моллари ушбу препаратнинг 1 фоизли дустини пуркаш йўли билан даволаш;

- қорамол ва майда шохли ҳайвонларнинг фасциолёз ва дикроцелиоиз касалликлари олдини олиш ва даволаш учун альбендазол, альбенкаби антигельминтиклар билан йўриқномага асосан ишлов бериш;

- қорамол ва қўйларни эхинококкоз, ценуроз касалликларининг олдини олиш учун итларни махсус дегельминтизация қилиш;

- бўғоз қорамол ва қўйларни музлаган ва чириган хашакларни

истеъмол қилишга, совуқ сув ичишига йўл қўймаслик лозим;

- киш фаслининг иссиқ келиши натижасида ўт-ўланларнинг эрта- рок қўқариши гелминтоз касалликларнинг кўпайишига, касаллик чақирувчи кана ва хашаротларнинг эрта- рок уйғонишига олиб келади. Шу сабабли чорва ҳайвонлари гелминтоз касалликларига қарши антигелминтиклар (альбен, альбен-дазол препаратлари билан, қон паразитар касалликларига қарши тейлериоз вакцинаси билан эмлаш, диамидин, беренил, полиамидин препаратлари билан химио-профилактик тадбирларни кечиктирмас- дан (февралнинг охири — март ойларидан) амалга ошириш;

- дехкон ва фермер хўжаликларидаги бузоқ, қўзилар, чўчка болаларини пастереллёз касаллиги- нинг олдини олиш учун ҳайвонлар- нинг орқа сон ички томон тери остига 14 кун оралиқ билан икки марта, 10—15 кунлик қўзиларга 1 - марта 1 мл, иккинчи марта 2 мл, 4—5 ойлик қўзиларга 1 - марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл, катта ёшдаги қўйларга 1 — марта 3 мл, иккинчи марта 5 мл, ёш

бузоқлар- га 1 - марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл, катта ёшдаги бузоқларга 3 мл, иккинчи марта 5 мл юборилиши керак.

Сальмонеллёз ва колибактериоз касалликларига қарши ассоциацияланган радиовакцинадан тери остига бўғоз қўйлар туғишидан 1,0—1,5 ой олдин 2 мл дозада, ту- ғилган қўзилар эса 5 кунлигида 1 мл дан эмланади. Диплококкоз ка- саллигига қарши вакцина билан қўзилар 8—10 кунлигидан бошлаб биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл, она қўйлар биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 3 мл миқдорида йўриқномага асосан эмланиши зарур.

Бир ёшдан катта қорамоллар 1 йилда бир марта; сут билан бола- лар боғчаси, санаторий ва даволаш муассасаларини таъминлайдиган фермаларда эса ҳар йили 2 марта 6 ой оралиқ билан туберкулёзга аллергия усул ёрдамида диагностика текширишлар ўтказиш зарур.

Бунда қорамолларда гиподерматозга қарши ивермек ва унинг аналоглари ҳисобланган ивер, ивермектин каби препаратларнинг бири билан 50 кг тирик вазнга 1 мл

миқдорда тери остига инъекция қилинади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари- нинг қутуриш касаллигига қарши суюқ фаолсизлангилган вакцина билан қорамол, от, эшак ва кичик туялар - 5 мл дан, катта туялар 10 мл, қўй, эчки ва катта итлар 3 мл, майда итлар, мушуклар 1 мл мускул орасига эмланади ва шунда бир йилга иммунитет ҳосил бўлади.

Қўйлар бразот ва энтеротоксемия касалликлари олдини олиш учун биринчи марта 2 мл дан ва 14 кундан сўнг иккинчи марта 3 мл дан мускул орасига мазкур касаллик- ларга қарши вакцина билан эмланади.

Юқоридаги тадбирларни жойлар- да вақтида ва сифатли ўтказилиши чорва ҳайвонларининг соғлом бўли- шини таъминлаб, маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ш.ДЖАББАРОВ,
Б.ЭЛМУРОДОВ,**

*Ветеринария илмий-тадқиқот
института.*

Реклама

www.suvmash.uz
Маҳсулот сертификатланган



ISO 9001

SUVMASH



Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўч, 13.
Тел.: (998-71) 295-13-00; 295-06-37;
295-06-35; 295-06-34 Факс: (998-71) 295-51-08
e-mail: sales@suv mash.uz; office@suv mash.uz;
suv mash@mail.ru

**ЭЦВ, Д, К, НК, Гру, АД2000-21, А50ГО, АЗОГЦ, А40ГЦ,
СНЭ200/5, УПП200/5 насослари ишлаб чиқарамиз.**